

Икки юртни дажжол оёқости қила олмайди | Сийрат дарслари (296-дарс)



19:00 / 30.08.2024 2504

482. Саъд ибн Абу Ваққос розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: **«Мадинанинг икки ҳарраси орасини ҳарам қилдим. Унинг тиконли катта дарахтлари кесилмайди ёки ови ўлдирилмайди. Агар билишса, Мадина улар учун яхшидир. Бирортаси ундан безиб чиққан бўлса, албатта, Аллоҳ унинг ўрнига ундан яхшини унга киритади. Ким унинг тангчилик ва қийинчиликларига собит турса, албатта, мен унга Қиёмат куни шафоатчи ва гувоҳ бўламан. Ким Мадина аҳлига ёмонликни истаса, Аллоҳ уни дўзахда худди қўрғошинни эритгандек ёки тузни сувда эритгандек эритиб юборади».**

Муслим ривоят қилган.

Ҳарра - Мадинанинг икки тарафидаги қора тошли минтақа.

483. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Шаҳарларни ейдиган (яъни мағлуб қиладиган) шаҳарда бўлишга буюрилдим. Уни Ясриб дейдилар. У Мадинадир. У (ёмон) одамларни худди босқон темирнинг кирини чиқариб ташлагани каби чиқариб ташлайди»**, дедилар».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

484. Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Аллоҳим! Бизга худди Маккага бўлган муҳаббатимиз каби ёки ундан ҳам шиддатлироқ қилиб Мадинани севимли қилгин. Аллоҳим! Бизнинг соъимизни ва муддимизни баракали қилгин. У(Мадина)ни биз учун сиҳат маскани қилгин. Ундаги иситмани Жухфага кўчиргин»**, дедилар».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

485. Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Макка ва Мадинадан бошқа ҳар бир юртни дажжол албатта оёқости қилади. Иккисининг ҳар бир йўлини фаришталар саф бўлган ҳолларида қўриқлашади. Кейин Мадина уч марта титрайди ва ундан барча кофир ва мунофиқ у (дажжол) томон чиқади»**, дедилар».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

486. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Уйим билан минбарим ўртасида жаннат боғларидан бири бор. Минбарим ҳавзим устидадир»**, дедилар».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

487. Абу Саъид Худрий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига аёлларидан бирининг уйидаликларида кириб: «Эй Аллоҳнинг Расули, тақво асосларига қурилган масжид қайси?» дедим. У зот бир сиқим майда тошларни олиб ерга урдилар-да: «**У ушбу масжидингиздир**», дедилар. Яъни, Мадинанинг масжиди.

Муслим ривоят қилган.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам» китобидан

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 30 ноябрдаги 03-07/9078-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.